Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 93 (7834). ● 15 май, 1982 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

17 МАЙ КУНИ РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ VI СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

«СОЮЗ—Т-5» ПАРВОЗДА

Анатолий Николаевич БЕРЕЗОВОЙ

Анатолий Николаевич Березовой 1942 йил 11 апрелда Адигей автоном областининг Октябрь районидаги Энем посёлкасида туғилди.

Ўрта мактабни тамомлагач, А. Н. Березовой Ростов областининг Новочеркасск шаҳридаги «Нефтемаш» заводида токарь бўлиб ишлади.

1965 йилда Анатолий Николаевич Качинск учувчилар олий ҳарбий билим юртини битириб чиқди. Сўнгра Совет Армиясининг авиация қисмларида хизмат қилди. Хизмат даврида у самолётларнинг бир неча типини ўзлаштирди. «Биринчи класс ҳарбий учувчи» малакасига эга.

А. Н. Березовой — 1966 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Анатолий Николаевич космонавтлар отрядига 1970 йилда қабул қилинди. «Союз» кемаларида ва «Салют» орбитал станцияларида космоса учишга тайёргарлик кўришнинг тўла курсини ўтди.

1977 йилда А. Н. Березовой асосий ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясини тамомлади.

Валентин Витальевич ЛЕБЕДЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Валентин Витальевич Лебедев 1942 йил 14 апрелда Москвада туғилди.

1966 йилда Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтини тамомлагандан кейин у конструкторлик бюросида ишлади. Валентин Витальевич космик аппаратларнинг янги системаларини ишлаб чиқишда ва синаб кўришда актив қатнашди, ўзининг истеъдодли ва ташаббускор мутахассис эканини кўрсатди.

1974 йилда у техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

В. В. Лебедев — 1971 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзоси.

Валентин Витальевич 1972 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди.

В. В. Лебедев биринчи марта 1973 йил декабрида «Союз-13» кемасининг борт-инженери сифатида космосга учган эди.

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

ҲАР ТУП ҒЎЗА ҲИСОБДА

ХЎЖАЛИГИМИЗ кўп тармоқли. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида иш олиб бораётган деҳқонларимиз кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл, сифатли маҳсулот етиштириш учун ишлаб чиқаришга фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини кенг жорий этиб, йил сайин ютуқлар кўламини кенгайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эришилган натижалар ҳам анча салмоқли бўлди. Етакчи тармоқ — пахтачиликда янги марралар эгалланди. 1730 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Шунингдек, ҳар гектаридан 200 центнердан каноп пояси топширдик. Ўтган йили гўшт, сут, тухум етиштириш соҳасидаги план ва топшириқлар ҳам анча ошириб бажарилди. Даромадимиз 11,5 миллион сўмни ташкил этди.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада юксак кўрсаткичларга эришиш учун тайёргарликни эрта кузданоқ бошлаб юборганмиз. Айниқса, шудгорлашнинг сифатига алоҳида эътибор бердик. Ерлар 30—40 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Тупроқ шароитига қараб, маҳаллий ўғит солинди. Эрта кўкламда ерда нам сақлаш учун баронага эътиборни кучайтирдик. Техникани пухта созлаш чоралари кўрилди. Механизаторларимиз ҳам амалий, ҳам назарий машғулотлар ўтказдилар.

Ҳосил кўчатдан олинади. Кўчатнинг соғлом ва сара бўлиши эса кўпроқ уруғ танланишига ҳам боғлиқ. Биз ер тузилишига қараб 600 гектар майдонга «Тошкент-6», 740 гектар майдонга «Тошкент-1», 350 гектар ерга «Ўйчи-2» навли чигит экдик.

Ҳаммага маълумки, баҳор қуруқ келди. Апрель ойида кун қаттиқ исиди. Тупроқдаги нам тез кўтарилди. Шунинг учун ҳам зудлик билан чигит суви беришга киришдик ва барча майдонларда чигитни бир текис унидириб олишга муваффақ бўлдик. Дарҳол қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юбордик.

Ҳозирги кунда бутун диққат-эътибор ҳар гектар майдонда ўртача 120—135 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга қаратилган. Умумий ишдан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Ҳамма бир жону-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Сузчиларимиздан Турғун Саидмўродов, Абдуғани Юсупов, механизаторларимиздан Болтабой Мусурмонқулов, Ким Ду Чир, Холмирза Мамажонов, Цой Андрей, Ҳурби Абдуқодировалар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Бригадалар ўртасидаги мусобақада Тожибой Исматуллаев, Одил Икромов, Ким Сергей, Миргози Мингбоев ўртоқлар бошлиқ коллективлар пешқадамлик қилаяптилар. Улар областимизнинг бир группа илғор пахтакорлари ташаббусига қўшилиб, ҳар гектаридан 45—50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар.

Далада меҳнат қилаётганларга барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилаётир. Мавжуд 22 та шийпон мавсумга пухта созланди. Ҳар куни иссиқ овқат ташкил қилинмоқда. Дала шийпонларида холодильник, телевизор, радиоприёмниклар ишлаб турибди. Қизил бурчаклар бор. Газета ва журналларнинг янги сонлари келтириб турилади. Хўжалигимизда фаолият кўрсатиб келаётган «Қувонч» ашула ва рақс ансамбли тез-тез дала шийпонларига ташриф буюради. Улар ўзларининг ёқимли куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари билан пахтакорларни мамнун этмоқдалар. Район маданият уйи ходимлари ҳам белгиланган график асосида колхозчиларимизга хизмат кўрсатишади.

Биз мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги, таъсирчанлигини таъминлаш учун зарур тадбирларни амалга ошираётирмиз. Ана шу мақсадда мусобақа шартлари ишлаб чиқилиб, колхозчиларнинг умумий мажлисида тасдиқланган. Ғолиб участка ва бригадалар кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланади.

Юбилей йилида она-Ватанга ҳар гектаридан 42 центнердан пахта топширишга аҳд қилганмиз. Бу мақсадга эришиш учун мўлжалдаги кўчатларни пахта пишиб етилгунгача тўла сақлаб қолишимиз керак.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланамиз.

Асосий иш техника зиммасига юклатилган. Бу йил кам деганда 95 процент пахта машиналар ёрдамида териб олинади. Терим машиналари ҳозирданоқ пухта созлаб қўйилмоқда. Сувчи ва механизаторларимиз ҳамкорликда меҳнат қилиб, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Айни кунларда канопзорларда ҳам иш қизғин. Парвариш авжида. Давлатга кам деганда 28 минг тонна канопояси етказиб берамиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиб ўтган танланали мажлисда берган кўрсатмалари асосида меҳнат қилаётган хўжалигимиз захматкашлари чорвачилик соҳасида ҳам янги ютуқларни қўлга киритиш, бу йил кам деганда 3170 тонна сут, 660 минг дона тухум етказиб бериш учун бел боғлаганлар.

Бизнинг хўжалигимиз матбуотимизнинг сардори — «Правда» газетаси номи билан аталади. Бу билан фахрланамиз. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларнинг бири шу газетага бағишланганлиги колхозчиларимизнинг ишга бўлган масъулиятини янада оширди.

Биз бу ҳафталикнинг ҳар бир куни, ҳар бир соатини баракали ишлар билан якунлашга ҳаракат қилдик. Пахта далалари, канопзорлар боғ-роғлар, фермаларда қаҳрамонона меҳнат қилиб, зимматга олинган юксак социалистик мажбуриятларимизнинг шараф билан бажарилишига мустаҳкам замин яратиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

А. НИШОНБОЕВ,
Коммунистик райондаги «Правда» колхозининг раиси.

«ПРАВДА» ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



ГРАФИКДАН ЎЗИБ

В. И. ЛЕНИН ва Хуршид проспектлари туташган ерда яна бир мухташам бино қад ростлади. Кўпчилик диққатини ўзига тортаётган ўзига хос архитектура кўринишидаги бу тўққиз қаватли бинога Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармаси ҳамда Киров район ички ишлар бўлими коллективлари кўчиб кирдилар. Мазкур маъмурий бинони 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармаси сайқалчилари муддатидан олти ой илгари ўз эгаларига тортиқ этдилар.

Эндиликда бу объектга туташ бўлган бошқа қатор биолар қад ростлаяпти. Бу ерда 159-трест 9-қурилиш бошқармасининг бригада пудрати асосида иш олиб бораётган Эргаш Исаев, Раян Саметов, Владимир Гоммер бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари меҳнат қилишяпти. Бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг йўлга қўйилганлиги яхши самара беряпти. Барча объектлар графикдан ўзиб барпо этилмоқда.

Бинокорлар йил охиригача ўт ўчириш бошқармаси учун 20 та махсус машиналар ҳамда 25 та енгил машиналар сақланадиган депо, 300 ўринли ошхона, 300 ўринли киноконцерт зали қурилишини жадаллик билан ниҳоясига етказмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

● ТЕХНОЛОГИК қурилмаларга хизмат кўрсатувчи слесарлар бригадасининг бошлиғи В. Хахторин Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида биринчилар қатори аварияси ишлаш ташаббусини ўртага ташлади. Бу ташаббус тез кунда кенг қулоч ёйди. Шунинг диққатга сазоворки, В. Хахторин бригадаси хизмат кўрсатаётган синтез цехида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳамда салмоғи сезиларли даражада ошди. Суратда: В. Хахторин.

В. Сироткин фотоси.

● 2 МИЛЛИОН 400 минг киловатт қувватга эга бўлган янги Ангрен ГРЭСи қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Ун биринчи беш йиллик давомида ГРЭСнинг ҳар бири 600 минг киловатт қувватли икки энергоблоки ишга туширилиши мўлжалланган. ГРЭС қурилиш бошқармаси бунёдкорлари беш йиллик топшириғини муваффақиятли ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солиб, графикдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: қурилиш участкаларидан бири.

Р. Шамсутдинов фотоси.
(ЎзТАГ).

КОМСОМОЛЛАР КОМБАЙНИ—ТУҲФА

«Ташсельмаш» заводи қўйиш цехидан Алексей Ан бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача тежаб қолинган материаллардан планга қўшимча равишда пахта териш агрегатини ишлаб чиқариш ташаббусини бошлади. Ёш машинасозлар юбилей вахтаси давомида кўп миқдордаги металлни тежаб қолган ва шу металлдан қўшимча «Ванғори кема» учун узел ҳамда деталларнинг комплектларини ишлаб чиқаришни таклиф этдилар.

Заводнинг турли участкаларида ишлаётган элликдан кўпроқ комсомол-ёшлар бригадаси бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

ВЛКСМ XIX съезди арафасида завод цехларида комбайнни муддатидан илгари тайёрлаш ва уни Жиззах областидаги А. Икромов номли кўриқ совхозга илгари мўлжалланганидек, йил охирида эмас, балки «оқ олтин» терими бошланишига қадар етказиб бериш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди.

(ЎзТАГ мухбири).

«МАЛИКА»ДАН МАЖБУРИЯТ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Октябрь» колхозининг Налибой Абдувалиев бошчилик қилаётган маккажўхори чилик бригадаси аъзолари чорвачиликни ривожлантириш, унинг асосий бўлган озуқа базасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Бригада маккажўхорикорлари бу йил 80 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 80 центнердан «қаҳрабо дон», 30 гектар ерга силос учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан эса 600 центнердан кўп поя етиштириш мажбуриятини олишган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз ёш маккажўхорикорларига йўллаган мактуби бригада коллективини янада юксак марралар сари руҳлантириб юборди.

Бу кўрсатмаларга амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган маккажўхорикорлар экин қатор ораларига дастлабки ишлов беришни тугалладилар. Культивациядан чиққан ниҳоллар шу кунларда пешма-пеш озиқлантирилиб, сув қўйилмоқда. Коллективнинг Анвар Зокиров, Убай Кўбиев, Урол Туробов, Жуманазар Усеров сингари аъзолари бу ишларни амалга оширишда барчага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Э. ТУЛАГАНОВ.

АГРОХИМИКЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохимия институтида Ўзбекистон тупроғи микроэлемент таркибини кўп йиллик тадқиқ қилиш натижалари умумлаштирилди. Муфассал тупроқ картаси тузилди. Бу агрохимия хизмати мутахассислари учун ўзига хос қўлланмадир. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, республикадаги суғориладиган ерларнинг 800 минг гектарга яқини мис, рух, молибден билан бойитишга муҳтождир, яна тахминан шунча майдондаги тупроқда бор, марганец етишмаслиги сезилмоқда.

Ўтказилган изланишлар асосида пухта тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар деҳқонларгагина эмас, шу билан бирга микроэлемент қўшимчалари бўлган минерал ўғит ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналарнинг химикларига ҳам юборилди. Бундай ўғитларнинг самарали эканлигини практика тасдиқлади. (ЎзТАГ мухбири).

ҲОСИЛ, ДАРОМАД, МАНФААТДОРЛИК

МЕҲНАТИ ҳар томонлама муносиб тақдирланган кишининг яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан янада унумлироқ ишлашга ҳаракат қилиши табиий. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида шундай бўляпти.

Хўжаликда дала ишларини нарядсиз ташкил этиб, оддий колхозчилар, механизаторлар ва сувчиларга аккорд-мукофот усулида ҳақ тўлаш системаси жорий этилгач, уларнинг меҳнат активлиги кескин ошди. Натижада сарф-ҳаражатлар камайиб, ҳосилдорлик кўтарилди. Хўжаликнинг ҳам, колхозчиларнинг ҳам даромадлари кўпайди.

Янги система қўлланилгандан сўнг пахтачиликда ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида сифатли ўтказиладиган бўлди. Техника воситаларини ортиқча ишлатиш, беҳуда культивация ўтказиш ёки суғориш каби ноўрин меҳнат сарфи барҳам топди. Чунки, ҳар бир колхозчининг даромади ишнинг пировард натижасига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун асосий кучғайрат кам сарф-ҳаражат қилган ҳолда пахтадан эртаки, мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, уни тез ва соз йиғиштириб олиб, юқори сортларга топширишга қаратиладиган бўлди.

Масалан, ўтган йили эрта кўкламдан бошлаб нарядсиз ишлаган колхоз меҳнат аҳли ҳар гектар пахта майдонидан пландаги 30 центнер ўрнига 37 центнердан хирмон кўтариб, йиллик халқ хўжалик планини 20 иш кунида бажарди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан йиғиштириб олинди.

Пировард натижанинг самарали бўлишини кўзлаб иш юритилгани учун йиллик соф даромад 874777 сўмни ташкил этди. Колхозчиларга йил бўйи олган ҳар бир сўмларига 1 сўм 06 тийиндан қўшимча пул тарқатилди. Шу йўл билан оддий колхозчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақлари 214 сўмга, сувчи ва механизаторларнинг эса, 285 сўмга тўғри келди.

Пахтадан эртаки, мўл ва арзон ҳосил олиш куз ва қиш ойларида кўрилган тайёргарликка кўп жиҳатдан боғлиқ. эканлигини колхоз аъзолари тўғри тушуниб олдилар. Янги мавсум ҳосилига куздаёқ қизғин тайёргарлик бошланганлиги учун чигит қисқа вақт ичида сифатли экиб олинди. Далаларга 13 минг тоннадан юқоқ ғўнг ташиб чиқарилди.

Бу йил асосий майдонларга синовдан ўтган «АН-402» ва «Тошкент-6» навли чигит экилди. Бундан ташқари икки бригада ерида «Ўйчи-2» навли чигит синаб кўрилмоқда.

Хўжаликда ҳозирданоқ пахта ҳосили-зараркунандалари ва турли касалликларга қарши курашишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Биология лабораторияси ходимлари бу йилги иқлим шароитида зараркунанда ҳашоратларнинг кўлайиб кетишини ҳисобга олиб, габробракон фойдали кушандасини кўпайтиришга қизғин киришганлар. Биологик усул ҳосилни сақлаб қолиш билан бирга хўжаликка катта иқтисодий фойда бераётир.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга қатъий аҳд қилган колхоз аъзолари юбилей йилида ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Обид Акипов бошлиқ бригада коллективи эса, республикамиз бир группа таниқли бригада бошлиқлари Мурожаатига жавобан ҳар гектар майдондан камида 50 центнердан хирмон кўтариб, ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда бажаришга қарор қилди.

А. ЙУЛДОШЕВ.

ЯНГИ ХЎЖАЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

«СССР 60 йиллиги» колхози Янгийўл районидаги энг кенжа хўжалик. Колхоз заршуносларни ўн биринчи беш йиллигининг иккинчи йилида «оқ олтин»дан ҳар қачонгидан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Ҳозирги кунда хўжаликнинг барча бригадаларида иш шунга яраша ташкил этилган.

Айниқса, Б. Боботов бошчилик қилаётган бригада заршуносларни мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бу коллектив аъзолари колхозда биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар. Шу кунларда эса 70 гектар майдондаги ниҳолларга иккинчи бор ишлов бериш бошлаб юборилди.

— Биринчи культивация пайтида, — дейди бригада бошлиғи Б. Боботов. — Область пахтакорлар советининг тавсияларига амал қилиб ҳар гектар ерга 100 килограммдан аммофос билан бирга ликда яхши чиритилган ғўнг солдик. Натижада ниҳоллар бақувват бўлиб ривожланмоқда.

Коллективнинг тажрибали сувчилари А. Кенжаев, М. Исмонлов, М. Суяров, Н. Илязовлар эса ишловдан чиққан ва озиқлантирилган ғўзаларга дастлабки сув тарашни ҳам бошлаб юборишдилар.

Бригадада заршунослар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Бу мусобақага ҳар ўн кунда якун ясаб борилади. Ғолиблар шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик шонли юбилейи нишонланадиган йилда бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан пландаги 36,5 центнер ўрнига 44 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олишган.

Юксак аҳдга яраша ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётган С. Данабоев, Т. Дўсмонова, К. Эгамбердиева ва Н. Аъзамова сингари колхозчилар кунлик топшириқни 1,5—2 баравар бажарибгина, барчага ўрнак кўрсатишмоқда.

А. ТИЛОВОВ.

СЕНАЖ ҒАМЛАНДИ

КАЛИНИН районидаги «Москва» совхози чорвадорлари эрта баҳорданоқ қишлов учун мўл ва сифатли озуқа жамғаришга алоҳида эътибор беришяпти.

Ҳозирча бедазорлар дастлабки ўримдан чиқди. Биринчи ўримдаёқ 565 тонна сенаж, 24 тонна витамини ўт уни тайёрланди.

Беда ўрим-йиғимини қисқа муддатларда ўтказишда механизаторлардан Ж. Самсеров, Х. Акабоев ва К. Абдурахмоновлар, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Бу илғор механизаторлар кунлик топшириқни 2—2,5 ҳиссага етказиб бажардилар.

И. ҚОСИМОВ.

РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ VI СЪЕЗДИГА

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИЖОДКОР КУЧИ

ИЗЗАТ-ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ БЎЛАЙЛИК

Съезддан-съездгача ўтган даврда ичида областимиз маорифчилари сезиларли ютуқларни қўлга киритдилар. Бутун мамлакатимиздаги каби бизда ҳам ёш авлоднинг ўрта маълумотга эга бўлиши учун катта имкониятлар яратилди. Ўқув жараёни такомиллашди, меҳнат ва эстетика таълими, касб ўргатишга эътибор кучайди.

Шу йиллар мобайнида мактабларнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Фан кабинетларини кўпайтириш, кўпи узайтирилган группаларни кенг жорий этиш, кечки ҳамда сиртқи таълимни яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқларда рус тилини чуқур ўрганишга мослаштирилган мактаблар қуришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йили Чиноз районидаги Охунбобоев, Коммунистик районидаги «Политотдел», «Правда», Галаба районидаги Ленин номли колхозларда ва бошқа қатор хўжаликларда худди шундай ўқув муассасалари фойдаланишга топширилди.

Ўтган даврда педагоглар сафининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, ўқитувчилар малакасини оширишга эътибор ортганлиги билан ҳам характерлидир. Ҳозирги пайтда областимиздаги 805 мактабда 26 минг нафарга яқин ўқитувчи 350 мингдан энёд ёш авлодга таълим бермоқда. Ўқитувчилар ўз ишларида область партия ва совет органларининг катта ғамхўрлигини ҳамиша ҳис этмоқдалар. Бундай эътибор мактабларга оталиқ ёрдамини кучайтиришда, педагогик коллективларнинг корхоналар, колхоз ва совхозлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишда, ўқув комбинатларини ташкил этиш ва уларни зарур моддий база билан таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Бу жиҳатдан олганда Бекобод, Бўстонлиқ районлари, Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида намунали ишлар қилинаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу жойлардаги маориф органлари ўқув-тарбия жараёнини ҳар томонлама юқори поғонага кўтаришга интилмоқдалар. Ўқитувчиларнинг маданий-маиший турмуш даражасини ошириш, уларга қулайликлар яратиш борасида ҳам қатор тадбирларни амалга ошираётирлар. Бу эса ҳар бир педагогни сидқидилдан масъулият сезиб ишлашга даъват этаётир.

Маълумки, бугунги кунда муаллим талабаларнинг билим савияси ёки тарбиясигагина жавобгар бўлмай, балки уларнинг эртанги тақдирини чуқур ўйлайдиган, ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва жисмоний ҳамда эстетик тарбияни комплекс равишда олиб боришга қурби етадиган масъул ходим ҳам бўлиши керак.

Областимизда шундай тажрибага эга бўлган заҳматкаш ўқитувчилар анчагина. Улар ўз ғайрат ва маҳоратларини ўқувчиларни дўстлик, меҳнатсеварлик, она-Ватанга садоқат, ҳар бир фанга эҳтиёт руҳида тарбиялашга қаратяптилар.

Областимизда ҳар бир педагог ўз касбига бўлган масъулияти, болаларга меҳр-муҳаббати билан ҳаммаларнинг иззат-ҳурматига сазовор. Партия ва ҳукуматимиз ана шундай фидоқор ўқитувчилар меҳнатини ҳамиша муносиб баҳолаб келмоқда. Биз бугунги кунда 121 нафар республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 48 нафар СССР халқ маорифи аълочиси, 1212 нафар Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишондорлари билан фахрланамиз. 3 мингдан энёд педагогнинг хизмати эса партия ва ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланди.

Албатта, ҳали бажаришимиз керак бўлган ишлар ҳам кўп. Ҳамма мактабларда ўқувчиларнинг иссиқ овқат билан таъминлаши яхшиланди, деб бўлмайди. Талабалар учун медицина хизматини ташкил этиш, уларни маълум бир касбга йўналтириш борасида ҳамон камчиликлар бор. Педагогик коллективларимиз бундан бўён ана шу нуқсонларни бартараф этишга кўпроқ эътибор беришлари керак.

Ўқитувчиларимизнинг орасида ўз устида мунтазам ишламайдиган, давр билан баравар қадам ташламайдиганлари ҳам учраб туради. Натижада ўқувчиларнинг билими талабларга жавоб бермаслиги сезилиб қолади. Ўнинчи синфни медаль билан битириб, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари даврида қоқилиб қолиш ҳолларининг бонси шундан.

Партия ва ҳукуматимизнинг ўқитувчига бўлган ишончи ва ҳурмати катта. Бу иззат-икромга доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ана шу эъзозга лойиқ бўлишга интилиш, тинимсиз меҳнат ва ўрганиш билан эҳтиёт номини шарафлаш лозим.

— Муҳим марра эгалланди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида, — мажбурий ўрта таълимга ўтиш тугалланди. Бугунги асосий вазифа... таълим билан ҳаётнинг боғланишини амалда мустаҳкамлашдан, мактаб болаларини ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашни яхшилашдан иборат.

Областимиз маорифчилари партия кўрсатмалари асосида бундан буён ҳам ёш авлодни замон талаблари даражасида тарбиялашдек муқаддас ишни бажаришда ўз билим ва ғайратларини, истеъдодларини ва маҳоратларини аямайдилар.

А. НАЗАРОВ,
область ижроия комитети халқ маорифи бўлимининг мудири.

● Ўқитувчиларнинг VI съездига областимиздан сайланган делегатлардан бир группаси. Суратда: [чапдан ўнгга] Тошкент районидаги Оржоникидзе номли 34-мактаб ўқитувчиси Маннап Рихсиев, Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб партия ташкилотининг секретари Мунаввара Азимова, область халқ маорифи бўлимининг инспектори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР халқ маорифи аълочиси Солиҳ Собитов, Оржоникидзе районидаги Ҳамза номли 30-ўрта мактаб ўқитувчиси Абдумутал Аҳмедов, Калинин районидаги 8-мактаб ўқитувчиси Санобар Лутфуллаева, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли 34-мактаб директори Ширин Султонова ҳамда Олмалиқ шаҳар музика мактабининг директори Николай Осипович Степановлар ўзаро суҳбат пайтида.

А. Абалян фотоси.

УМРБОД ЎҚИШ КЕРАК ДЕЙИШАДИ, БУ ҚАДИМИЙ ҲАҚИҚАТНИ ҲАММАГА ТАТБИҚ ҚИЛСА БЎЛАДИ. ЛЕКИН БУ ҲАҚИҚАТ БОШҚАЛАРНИ ЎҚИТАЁТГАНЛАРГА ҲАММАДАН КЎРА КЎПРОҚ ТААЛЛУҚЛИ ДЕСА БЎЛАДИ. ШУ САБАБЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ... ЖУДА ҲАМ ЗАРУР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ МЕҲНАТ

Кейинги йиллар ичида партиямиз халқ маорифи олдига қўйган вазифалар орасида кечки-сиртқи таълимнинг сифатини янада яхшилаш масаласи алоҳида ўрин тутади. Чунки ёшларга ўрта маълумот беришнинг бу усули уларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишларини таъминлайди.

Маълумки, кечки-сиртқи мактабда ўқувчилар контингентини жамлашнинг ўзи бўлмайди. Айни пайтда ўрта маълумотга эга бўлмай, турли сабаблар билан ўқув даргоҳини тарк этиб, ишлаб чиқаришда ўз фаолиятини давом эттираётган ёшлар ҳам кўп. Биз ана шундай йигит-қизларни жалб қилиш мақсадида районимиз территориясидаги барча корхоналар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаганмиз. Коллективимиздаги ҳар бир педагог маълум бир объектга биркитиб қўйилган. У ҳар йили ўрта маълумот олиши керак бўлган ёшлар билан суҳбат ўтказиб, маъмуриятга маълум қилади ва уларни мактаб қучоғига тортади. Ўтган ўқув йилида «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тамаки, кондитер фабрикалари, «Ташхлебторг» ва бошқа ташкилотлардан 200 нафардан энёд ўқувчи мактабимизнинг, 9-, 10- ва 11-синфларига жалб этилди. Шундан сўнг ўқув даргоҳимизда умумий талабалар сони 420 нафардан ошиб кетди.

Биз таълим-тарбия ишини яхшилаш бўйича ҳам анчагина ишлар қилдик. Фан кабинетлари тўла жиҳозланди. Машғулотларнинг таъсирчан ва самарали ўтиши учун кўплаб кўргазмали қуроллар сотиб олдик. Деярли ҳар бир дарсда темага тааллуқли фильмлардан фойдаланишни йўлга қўйдик.

Коллективимизда кўп йиллардан бери ёш авлодга таълим бериб келаётган истеъдодли педагоглар анчагина. Руқия Эгамбердиева, Мунаввара Жаъфарова, Маҳмуда Ширинова, Маҳкам Мансуров, Елена Наумовна Лейбович, Аҳмаджон Хусаннов, Ҳалил Тоҳиров, Абдувоҳид Акбаров Исоқжон Маматқулов каби жонкуяр педагоглар ана шулар жумласидандир. Улар ёшларда билимга, мактаб ҳаётига қизиқиш уйғотиш учун ўз маҳоратларини аямаётирлар.

Ўтган беш йиллик якунларига кўра мактабимиз коллективи ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Маориф министрлигининг дипломи ва қатор ташкилотларнинг ёрлиқлари билан тақдирланди. Бу мукофотга жавобан кечки-сиртқи таълимни янада яхшилаш, ёшларга чуқур билим бериш ва уларни меҳнатга тайёрлаш йўлида партия белгилаб берган кўрсатмаларни изчил амалга ошираверамиз.

Н. ЖАЛОЛОВ,
Киров районидаги 1-кечки-сиртқи мактабнинг директори.

ДОҲИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА

Областимиз мактабларида ўқувчиларни доҳий таълимоти асосида тарбиялашга эътибор ортмоқда. Хусусан Янгиобод шаҳридаги 7-, Пискент шаҳридаги 5-ўрта мактабларда «В. И. Ленин васиятларига мувофиқ коммунистик эътиқод ва ахлоқ нормаларини тарбиялаш» мавзусидаги суҳбатлар цикли уюштирилди. Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларининг мактабларида эса Ильич мероси партиямизнинг съезди ва пленумлари материаллари билан ҳамоҳанг ҳолда ўқувчиларга етказилмоқда.

Бу шаҳарларнинг мактабларида Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ», «Эсдаликлар» асарлари ҳам чуқур ўрганилаётир.

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

● Кейинги йиллар ичида областимизда халқ маорифининг моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Хусусан ўтган ўқув йилида 13 минг ўқувчи ўринли янги мактаблар фойдаланишга топширилди. Ўқув даргоҳлари учун техника воситаларни, кўргазмали қуроллар сотиб олишга 2,5 миллион сўм сарфланди.

● Ҳозирги пайтда область мактабларида 804 медицина пункти ишлаб турибди.

● Ҳар йили ўтказиладиган «Санъат байрами», болалар ва ўсмирлар музика ҳафталиклари ҳамда кўрик конкурсларида юз мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этмоқда.

● Областдаги 37 музика мактаби 12475 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Айниқса, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Оржоникидзе районидаги мактабларида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган.

● Ўтган беш йилликдан бошлаб ўқувчиларга касб ўргатишга эътибор кучайди. Ҳозир областдаги 33 ўқув ишлаб чиқариш комбинатида юқори синфларнинг 26 минг нафар талабаси ҳунар ўрганмоқда. Бу 1980 йилдагидан 4 минг нафар кўп демакдир.

● Пойтахт областимизда болалар боғчаларни ва ясли-лар тармоғини кенгайтириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир 120 мингдан энёд бола тарбия масканларига қатнамоқда.

СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

Съезд арафасида мухбиримиз делегатлардан бир группасига мурожаат қилиб, ўқув-тарбия ишларини яхшилашда эришган муваффақиятлари, тўплаган тажрибалари, ўзларини қизиқтирган муаммо ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

НОМИМИЗНИ ШАРАФЛАЙЛИК

РЕЙГАНА БАКИРОВА,
Пискент шаҳридаги Ушинский номли 7-мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Ҳозирги давр тарбиясининг ўзига хос хусусияти бор. Агар ўқитувчи чуқур билимли, юриш-туришда ўқувчиларга чинакам намуна бўлмаса, бундай педагог сўзининг таъсир кучи қаёққа боради. Болалар унинг нўноқлиги, маданий савияси пастлигини юзига солмасалар ҳам дилдан севиб, эҳтиром кўрсатмайдилар. Дўпписининг жияги титилиб кетган ёки қуйлагининг тугмалари ҳар хил ип билан қадалган, ё бўлмаса соч-соқоли ўсган ўқитувчининг гўзаллик ҳақидаги сўзлари болаларда таассурот қолдирмаслиги ҳам аниқ. Машғулотда одоб, ахлоқ ҳақида сўзлаб, шўх ўқувчиларга танбеҳ берган педагогнинг вақт-бемаҳал ичиб, ҳунук ҳолатларга тушиши эса тарбия кишиси учун аянчли ҳолдир.

Демак, ўқитувчи оилада, кўча-кўйда, давраларда, иш жойида ўз муомаласи, хатти-ҳаракати, кийиниши, ишчанлиги билан ҳамиша ҳурматга лойиқ бўлиши лозим.

МЕҲРТАЛАБ ГУЛШАН

МАРИЯ ГОНЧАРОВА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Наримонов шаҳридаги 51-болалар боғчасининг мудири.

Салкам ярим асрдан бери таълим-тарбия соҳасидаман. Бу йиллар ичида болалар уйида, қатор мактабларда ишладим. Тақдир тақозоси билан Халхинголдаги оғир жангларда қатнашдим. Лекин қаерда бўлмайин юрагимда ўз касбимга меҳр ва садоқат туйғуси кучли эканлигини ҳис этдим. Ҳаётим мазмунини зиёбахшликда деб билдим. Оддий ўқитувчи, раҳбар, мураббий сифатида орттирган тажрибам шу бўлдики, тарбиячи қалби саминиятга тўлиқ бўлиши керак. Педагог билимдонлиги, поклиги, маънавий гўзаллиги, камтарлиги билан ўқувчилар дилидан ўзига жой олиши лозим. Қолаверса мактабнинг обрўйи ҳам, унинг илм-маърифати маскани сифатидаги роли ва шонш-шуҳрати ҳам асосан ўқитувчининг фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, агар ўқитувчи касбини севмаса, ҳар бир талабани ўз фарзандидек кўрмаса, у маърифат оламининг меҳрталаб гулшанига қадам босмагани маъқул деб ўйлайман.

БИЛИМНИНГ ЎЗИГИНА КАМЛИК ҚИЛАДИ

ИЛИМДОР БИНАЛИЕВ,
Янгийўл районидаги Карл Маркс номли 25-ўрта мактаб тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.

Катта анжуманимизда ўқув самарадорлигини ошириш масаласига эътибор кучайтирилиши шубҳасиз. Менинг фикримча, бугунги кунда ўқувчига сифатли билим ва тарбия беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни эркин фикрлашга, ҳаётимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни ўз мезони билан ўлчаб, чуқур шарҳлай олишга эришишимиз зарур. Билимлар билан эътиқодлар фақат шундагина бир-бирига пайванд бўлади. Энг муҳими уларни мустақил ўйлашга, дадил мулоҳаза юритишга даъват этган бўламиз. Зероки жамиятимиз ривожи актив ҳаётий позицияда туриб узоқни кўра оладиган, кенг мулоҳазали, мамлакатимиз равнақи учун жон куйдирадиган мутахассислар етиштиришни тақозо этмоқда.

Бундай тарбиянинг асоси эса мактабда яратилади. Бунинг учун ҳар бир ўрта маълумот берадиган даргоҳда ижтимоий ҳаётни чуқур ўрганишга бағишланган тўгаракларг ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

ГЎЗАЛЛИК ТУЙҒУСИ

ХАЙРУЛЛА ИНОҒОМОВ,
Оржоникидзе районидаги 16-мактаб музика ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Ўқитувчиларнинг аввалги съездида қишлоқ мактабларида музика таълимини қатъий йўлга қўйиш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган эди. Ана шу режалар бизнинг мактабимизда тезда амалга ошди. «Гуллола» деб ном олган ансамблимиз дастлаб районимизда эътибор топган бўлса, кейинчалик «Марҳабо, талантлар», «Зеҳн» телевизион конкурслари ва «СССР халқлари қўшиқлари» конкурсининг лауреати бўлди. Коллективимиз ҳар йили ўтадиган музика ҳафталикларида, республика «Санъат байрами» кўрикларида актив иштирок этиб келмоқда.

Болаларга эстетик тарбия бериш соҳасидаги тажрибаларимиз умумлаштирилиб, область мактабларида ўрганишга тавсия этилди. Ютуқлар бизни янги-янги ижолий изланишларга чорлайди.

Бундан буён ҳам ўқувчиларда эстетик дунёқарашни шакллантиришга интиламиз.

ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Ҳаётда ҳар бир кишининг ўз ўрни бор. Шу жумладан, педагог Тўхта ака Расуловнинг ҳам. Унинг таржимаи ҳоли бошқа педагоглариникига ўхшаш. Бироқ, ўз касбини жондилдан севиши, шогирдларининг келажаги ҳақида ўйлаши билан кўпроқ фарқ қилади.

— Сир эмас ҳозирги ёшларимиз шўх, ўйинқароқ, — дейди Тўхта ака камтарлик билан. — Хўш уни шўх ёки қайсарликда айблаб эътибордан четда қолдириш керакми! Мутлақо нўқ. Бир мисол, ёш ниҳолни парвариш қилиб ундан ҳосил олиш учун боғбоннинг озмунча меҳнати сарф бўладими! Боғбон меҳнати туфайли ниҳол дарахтга айланади, ҳосилга киради. Ана шунда у қилган меҳнатидан завқланади. Очиғини айтганда бизнинг меҳнатимиз ҳам ўша боғбоннникидан қолишмайди.

У ҳақ гапни айтди. Ҳа, унинг гапларида оламлар маъно борлигини пайқаб олиш унча қийин эмас. У айтгандек ўша ўйинқароқ, шўхликка берилган ёшларнинг қалбига йўл топа билиш ўқитувчидан катта куч ва маҳорат талаб этади. Тўхта ака ҳам ўз шогирдларининг қалбига йўл топиш учун тинимсиз изланади. Эркин ўтадиган суҳбатлар жараёнида болалар билан энг яқин кишилардек сирлашади. У ёки бу камчиликларни бартараф этишдан эринмайди. Ниҳоят ўзи кўзлаган мақсадга эришгач, кўнгли таскин топади.

Жонкуяр, талабчанлик ҳам ундаги фазилатлардан бири. Шунинг учун ҳам ҳар доим доҳиймиз В. И. Ленининг «Бир соатлик дарс муҳим асардир» деган пурҳикматига амал қилиб келаяпти. Синфга, турли характерли талабалар ҳузурига киришдан аввал машғулот учун зарур бўлган техника воситаларни, кўргазмали ўқув қуролларини ҳозирлаб, улардан унумли фойдаланиш режаларини тузиб олади. Қўшимча ҳаётий мисоллар, кўргазмалар, карточка ва диаграммалар тайёрлайди.

Тўхта ака Расулов ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги 23-мактабни олтин медаль билан тамомлаб В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради, уни битиргач, қадрдон мактабига йўлланма олди.

Мана, салкам қирқ йилдирки у шу ерда. Бугун унинг ёнида ўнлаб шогирдлари ёнмаён. Улар қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандларини бирлигимдон қилиш, Ватаннинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш орзу-умидлари билан меҳнат қилишяпти.

— Ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаганимда, — деб хотирлайди мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Сабоҳат Тўхтаюсупова, — Тўхта акадаги камтарлик, ёшларга ўта меҳрибонлиги, теран фикрлиги, ўз навбатида талабчанлиги каби фазилатлари қалбимдан жой олган эди. Мен ҳам улардек бўлишни жуда-жуда орзу қилардим. Бу эзгу ниятимни ТошДУнинг филология факультетига етаклади. Эндиликда мен ўз устозим билан бирга ишлаб келаётганимдан ҳам эшитиш мумкин.

Тўхта ака Расуловнинг ўз онласида тутган ўрни, қишлоқ аҳли орасидаги обрў-эътибори, жамоатчилик асосида олиб бораётган ишлари ҳақида кўпгина қувончли фикрларни айтиш мумкин. Қарийб йигирма йилдирки, у коммунист ўқитувчиларнинг сиёсий маориф ўқувига раҳбар, мактабда ташкил этилган бошланғич «Билим» жамиятининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Район, область ва республика анжуманларида ўзининг кўп йиллик бой тажрибалари асосида «Адабиёт дарсларида атеистик тарбия», «Ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда адабиётнинг роли», «Адабиёт дарсларида ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» каби хилма-хил мавзулардаги докладлар билан қатнашиб келмоқда.

Ўз бахтини ўқитувчиликдан топган Тўхта ака Расуловнинг Ватан, эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланяпти. Унга «Катта ўқитувчи» деган шарафли унвон берилди. Кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар безаб турибди.

Яқинда бу моҳир педагог ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Район эҳтиёжлари унга юксак ишонч билдириб, республика ўқитувчиларининг улкан анжуманига делегат қилиб сайлашди. Бу ишонч эл эъзозлаб келаётган ўқитувчини янги орзулар сари илҳомлантирди.

Ш. ҲАМИДОВ,
Тошкент районидаги.

МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ПЕДАГОГ ЁН ДАФТАРИДАН

◆ Оқил ва донишманд ҳар қандай фан чўққисига ёки улуғ мартабага кўтарилганда ҳам, ўз устозларини асло унутмайди.

◆ Ҳар бир шогирднинг муваффақиятларида устозларнинг ақли, заковати, чексиз ҳаёти, қолаверса, эзгу умри бор.

◆ Ҳар қандай буюк иншоотнинг пастдан қад кўтарганидек, илмнинг чўққиси ҳам бошланғич таълим замирида камол топади.

◆ Дилида кек сақловчи ҳеч қачон ривожланмайди, ҳеч қачон ривожланмайди, ҳеч қачон ривожланмайди.

◆ Бола энг софдил одамларнигина ҳурмат қилади.

Р. УСМОНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

VII. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙҲАТИ

Сайловчилар рўйхати сайлов кампаниясининг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади. Чунки, бу рўйхатлар асосида гражданларга сайлов куни сайлов бюллетенлари берилади. Ўзбекистон ССР Конституцияси ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча гражданлар тенгдирлар ва улар сайловчилар рўйхатига ана шу тенг ҳуқуқлик асосида киритиладилар, деб кўрсатилган.

Мамлакатимизда сайловчилар рўйхатини тузишга катта сиёсий аҳамиятга молик иш, деб қаралади. Бу иш ғоят пухталик билан ўтказилади. Бунда асосий мақсад сайловчилар ўз ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун барча имкониятларга эга бўлишларини таъминлашдан иборатдир.

Сайловчилар рўйхатларини тузиш район, шаҳар, шаҳардаги район, поселка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларига юклангандир. Бу йил сайловчилар рўйхатлари маҳаллий советларга сайловлар ва район (шаҳар) халқ судлари сайловларига умумий бўлади.

Қонунчилигимиз маълум ирққа, миллатга мансублик, динга ишониш ё ишонмаслик, маълумот даражаси, иктимоий келиб чиқиши бирор кишини сайловчилар рўйхатига киритмаслик учун асос бўлмаслигини кўзда тутади. Айни пайтда сайловчилардан ҳеч ким биттадан ортиқ рўйхатга киритилиши мумкин эмас.

Сайловчилар рўйхатида алфавит тартиқасида сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва яшаш жойи ўз аксини топади. Сайлов ўтказиладиган кунда 18 ёшга тўладиган гражданларнинг туғилган ойи ва куни ҳам кўрсатилади. Сайлов ўтказиладиган кунда 18 ёшга тўладиган сайловчининг туғилган куни ва ойи тўғрисида аниқ маълумот бўлмаса, у мазкур йилнинг 1 январида туғилган, деб ҳисобланади. Ҳар бир сайловчининг фамилияси қаршисига маҳаллий советларга сайлов ўтказиладиган округлар тартиб сони қўйилади.

Сайлов тўғрисидаги Қонунда сайловчилар рўйхати ҳамманинг танишиши учун Совет ёки сайлов участкаси биносида сайлов ўтказишдан 20 кун илгари осиб қўйилиши кўзда тутилган. Маҳаллий Советлар ва халқ судларига ўтказиладиган бу галги сайловларда сайловчилар рўйхати ҳамманинг танишиши учун 1982 йил 30 майда илиб қўйилади.

Сайловгача қолган вақт мобайнида ҳар бир граждан имконияти борича тезроқ сайловчилар рўйхатида ўзи тўғрисидаги ёзувларнинг тўғрилигини текшириб кўриши лозим. Бунда ижроия комитетлар ва участка комиссиялари уларга ёрдам кўрсатиши керак. Бунинг учун сайловчилар рўйхати осиб қўйилган биноларда участка сайлов комиссияси аъзолари, ижроия комитет ходимлари, активларнинг навбатчилиги йўлга қўйилади. Тузилган рўйхатларнинг тўғрилигини текширишда жамоатчиликнинг иштирок этиши бу ёзувларнинг аниқ бўлиши гаровидир.

Сайловчи рўйхатдаги ёзувларни текшириш пайтида қандайдир ноаниқликларни (кимнингдир рўйхатга киритилмаганлигини, сайловчилар фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йилнинг нотўғри ёзилганлигини) аниқласа, у оғзаки равишда ёки ёзма ҳолда бу ҳақда участка комиссиясига ёхуд бу рўйхатларни тузган Совет ижроия комитетига бевосита мурожаат қилиши лозим. Бундай мурожаатларнинг ҳар бири синчиклаб текшириб чиқилади ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида сайловчилар рўйхатига тегишли тузатишлар киритилади.

Рўйхатлар осиб қўйилган даврда ва сайлов кунида гражданлар турар-жойларини ўзгартираётган ёки отпускада, командировкада, сафарда бўлишлари мумкин. Бу ҳолларда ҳам ушбу гражданлар сайлов куни овоз беришади. Бунинг учун улар Совет ижроия комитетида овоз бериш ҳуқуқлари борлиги ҳақида гувоҳнома олишлари лозим.

Янги турар-жойга доимий ёки вақтинча келган сайловчилар мазкур гувоҳномани кўрсатиб, сайловчилар рўйхатига киритиладилар. Гувоҳномага эга бўлган сайловчилар янги турар-жойларига сайлов куни етиб келган тақдирларида ҳам овоз беришда иштирок эта оладилар.

ТАШВИҚОТ МАРКАЗИ

20-июнь — маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан Бўстонлиқ районида 42 та агитпункт ташкил этилган. Агитпунктлар оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айланган. Депутатлар, агитаторлар, консультантлар навбатчилик қилишмоқда. Сайловчиларнинг таклиф, мулоҳазалари учун алоҳида журнал тутилган.

Сайловчилар бу ерда КПСС XXVI съезди материаллари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг асарлари, Ўзбекистон ССР Конституцияси, СССР Олий Советининг сайловлар ҳақидаги Қонуни, сайлов ҳақидаги адабиётлар билан танишишлари мумкин. Агитпунктларда тез-тез лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда.

Бўстонлиқ район партия комитети пропаганда бўлимида агитпункт мудирларининг йиғилишида юқоридаги фикрлар айтилди. Йиғилишда 28 агитпункт мудири ҳисобот берди. Фрунзе номли, Поргосс, Қизилсув агитпунктларида иш айниқса намунали ташкил этилгани таъкидланди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КУП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА.

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон Она» Фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

Алисаидова Мапрат — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Арисова Қундуз — Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Бегматова Чўлпанай — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.

Бекмуродова Хоним — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Есенбоева Қурбонгул — Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхози аъзоси.

Идрисова Жаҳоной — уй бекаси, Чиноз райони.

Исомова Насиба — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Камолова Ҳосият — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Қулбекова Каромат — Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Қурбонова Мамлакат — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Мирзааҳмедова Ойжамол — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Муҳамедова Ҳожиба — уй бекаси, Тошкент райони.

Назарова Холоват — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Сулаймонова Попик — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Тургунбоева Гулсара — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Тўхтаева Тожигул — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Умарова Ибодат — уй бекаси, Олмалиқ шаҳри.

Ўролова Ҳалима — Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз аъзоси.

Холтурсунова Ҳамида — Ғалаба районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

Эргашева Турди — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Йўлдошева Умриниса — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Йўлдошева Ҳалима — уй бекаси, Тошкент райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1982 йил, 23 апрель.

МУЛ ПИЛЛА ҲОСИЛИ УЧУН

ҚУРТЛАР ДАҲАГА КИРДИ

ЎН БЕШ йилдирки, ипак қурти парвариш қилиб келаман. Бу соҳада етарли тажрибага эга бўлсам-да, доимо ипак қуртидан мўл ва сифатли маҳсулот олиш йўлида изланаман. Шунинг учун ҳам йилдан йилга яхши натижага эришмоқдаман. Биргина ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида тўрт қути қурт уруғи парвариш қилиб, 450 килограмм «кумуш тола» олдим.

Бу йил эса беш қути қурт уруғи боқмоқдаман. Мавсумга эрта баҳорданоқ пухта тайёргарлик кўрдим. Сўкичаклар ва бошқа зарур жиҳозларни ўз вақтида хоналарга ўрнатдик. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ипак қуртини давр ўтиши билан йўратиб боқиш мўл ва сифатли пилла олишда катта аҳамиятга эга.

Мана ҳозир ипак қурти боқиш мавсумининг энг долзарб палласи бошланди. Қуртлар даҳага кирди. Бу даврда уларни суткасига 7—8 марта озиқлантириш керак. Бу ишни ўз вақтида бажаришимда фарзандларим Ҳалима, Ботирали, Абдували, Хусниддин, Гулзодалар менга яқиндан ёрдам беришяпти.

Пилла қуртидан мўл ҳосил олишимизда правление ва партия ташкилоти ҳам катта ёрдам бермоқда. Биз учун махсус тут плантацияларини ажратиб қўйилган.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янада ғайрат билан меҳнат қиламиз. Ўзимизга қарашли ҳар қути қурт уруғидан мўл ва юқори сифатли ипак етиштириб, хўжалигимизнинг 18 тонналик умумий хирмонига муносиб ҳисса қўшамиз.

С. ШЕРМАТОВА,
Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозинг пиллачиси.

БАРГ ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

БЎКА районидаги «Ленинизм» колхози пиллачилари ўтган йили 235 қути ипак қурти боқиб, ҳар қутисидан 73 килограммдан «кумуш тола» олган эдилар.

Ҳозирги кунда хонадонларда 250 қути ипак қурти парвариш қилишмоқда.

— Ҳозир ипак қурти боқиш мавсумининг энг масъулиятли даврлари бошланди,— дейди колхоз пиллачилик агротехники Жўра Исроилов.— Чунки бу даврда қуртларни ўз вақтида озиқлантириш, хоналарни шамоллатиб, ҳаво мўътадиллигини бир хил сақлаш керак.

Дарҳақиқат, колхоз пиллачилари сўнгги йилларда «кумуш тола» етиштиришни кўпайтириш билан биргаликда унинг сифатини оширишга ҳам алоҳида аҳамият беришмоқда. Махсус барг етказиб берувчи бригада тузилган. Бригада аъзолари 150 хонадонга ўз вақтида тут баргларини элтиб бермоқда.

Областимизнинг бир группа илғор пиллачиларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган ленинизмлик «кумуш тола» ижодкорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан пилла етиштириш мажбуриятини олишган. Зиммадаги бу топшириқни бажариш учун шу кунларда хўжаликнинг барча аъзолари юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

● Октябрь районидаги 40-мактаб қошида ташкил этилган агитпункт коллективи айни кунларда сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни тобора авж олдирмоқда. Суратда: агитаторлардан (чапдан ўнгга) Т. Мирзакарова, О. Маҳмудов, М. Ҳидоятова, Ҳ. Ғуломова ва Д. Турсуновалар навбатдаги тадбирларни муҳокама этмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ

Деҳқон ҳамиша келажакни кўзлаб меҳнат қилиши, ишлаб чиқаришга илғор тажрибалар, фан ютуқларини жорий этиш учун тиммай изланиши зарур. Ана шундагина бугунги ютуқ эртанги марра бўлиб қолмайди. Бу ҳақда ўйларканман, бундан беш-олти йил илгариги аҳволни эслайман: Ўша йиллари хўжалик райондаги энг қолоқ хўжаликлардан ҳисобланар, кўрсаткичлар пасайиб кетган эди. Ҳар гектаридан бор-йўғи 22—24 центнердан пахта ҳосили олинарди.

Пахта — нонимиз, шарафимиз, шонимиз. Шундай экан, нега бу тармоқни ривожлантириш, ҳосилдорликни кескин кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмаяпмиз? Тажрибали бригада, звено бошлиқлари, уста пахтакорлар билан бу масалада кенгаш ўтказдик. Асосий диққат-эътиборни деҳқончилик маданнятини юксалтиришга, ердан, техникадан самарадорлик билан фойдаланишга қаратиш лозим, ҳар кимнинг топшириғини бажариш учун масъулиятини кучайтириш керак. Кенгашда ана шу фикр ўртага ташланди. Шу асосда тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг бекаму-кўст бажарилишини алоҳида назорат қилиб бордик. Аста-секин ишимиз юриша бошлади. Беш йилликда ҳосилдорлик 10 центнерга кўтарилди. Ўтган йили эса ҳар гектаридан олинган ҳосил 32 центнерни ташкил этди. Бироқ, бу марра ҳам кам эди, албатта. Ҳосилдорлик республиканинг ўртача ҳосилига етгани йўқ-да!

Лекин шунга қарамасдан эришган ютуқларимиз салмоғи аввалги йиллардагига нисбатан анча дуруст бўлганлиги кўриниб турибди.

Бунга қандай қилиб эришмоқдамиз?

Энг аввало мутахассислар билан деҳқонлар ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Ерни экишга тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. Тўла гектарлар ҳосил қилинади. Ғўзага ишлов бериш вақтида ўтказилади, суғориш, озиқлантириш, культивация ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилади. Ўтган йили ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга сотилди. Колхоз экономикаси мустаҳкамланди. 1 миллион 350 минг сўм даромад қилдик. Соф даромад 395 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик 25 процентдан оширилди.

Колхозчиларимизнинг турмуш шароитлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Улар ҳар бир сўм меҳнат ҳақига қўшимча ўртача 92 тийиндан мукофот олдилар.

Илғор бригадалар: сафи кенгаяётир. Шербўта Деҳқонов, Холбой Шукуров, Шарифбой Бекматов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 36—40 центнердан хирмон кўтарилди. Ер бизнинг шароитимизда анча юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Табиийки, бундай бригадаларда меҳнат ҳақига берилаётган қўшимча мукофот ҳам кўп бўлаётир. Умуман, хўжалик бўйича ҳар гектар ердан олинган соф даромад 3075 сўмни ташкил этмоқда.

Ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, чеканка, қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган барча меҳнат жараёнлари асосан механизация ёрдамида амалга оширилаётир. Ҳосилнинг 80—82 процентни машиналарда териб олинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Урток Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган тантанали йиғилишда «Пахтачилигимизда ҳали бирталай резервлар бор, албатта. Пахтанинг сифати тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Айрим кишилар пахта сифатининг пасайишига машина теримини сабаб қилиб кўрсатаётганликларини биламан» деб ҳаққоний гапни айтдилар.

Тажрибамиздан маълумки, ғўзалар дастлабки кунданоқ машина теримига мослаб ўстирилса, дефолиация ўз муддатида сифатли ўтказилса, далалар, техника, машина теримига сифатли тайёрланса, механизаторлар маҳорат кўрсатиб ишласалар машина терими жуда катта фойда келтиради. Аввало пахтанинг сифати яхшиланади. Терим муддати кескин қисқаради. Қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинади. Оқибатда ҳосилнинг таннархи арзонлашади.

Биз партиямиз кўрсатмаларига амал қилиб, бу йил ўтган илғи ютуқларни мустаҳкамлаб, ҳосилдорликни кескин ошириш чораларини кўрмоқдамиз. Юбилей йилида 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан кам деганда 40 центнердан, жами 3200 тонна пахта хирмони бунёд этишга аҳд қилдик.

Областимизнинг ташаббускор пахта усталари чақириғига бизнинг хўжалигимиз деҳқонлари ҳам лаббай деб жавоб бермоқдалар. Аҳмадёр Ҳамдамов, Шербўта Деҳқонов, Холбой Шукуров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳар гектаридан 50—60 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.

Мўл ҳосил етиштиришда зарбдор кунлар бошланди. Гектарларда белгиланган миқдордаги кўчат қалинлиги таъмин этилмоқда. Қатор ораларига ишлов бериш, суғориш кучайтирилди. Механизаторларимиз культиваторларини яхшилаб созлаган ҳолда ишни сифатли бажариш, ҳар туп ниҳолни асраб-авайлаб сақлаш учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Бу йил 100 процент майдондаги ғўза механизмлар ёрдамида чеканка қилинади. Етишгирилган «оқ олтин»имизнинг 90 процентини машинада териб оламиз.

Ҳар бир бригадада, звенода гектарларнинг тўлиқ, кўчатларнинг бут, соғлом бўлиши учун кундан-кун кураш кучайиб бормоқда. Пахтадан мўл, арзон, сифатли ҳосил етиштириш учун ўзаро мусобақани авж олдирмоқдамиз.

Н. АБДУРАҲИМОВ,
Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлиси

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Варшавада бўлиб ўтган мажлисида Польшадаги сиёсий вазиятни муҳокама қилди.

Май ойининг бошларида кўчаларда содир бўлган тартибсизликларни социалистик Польшага душман бўлган марказлар келтириб чиқазганлиги ва бу тартибсизликлар поляк халқининг ҳаётий манфаатига, барқарорлик тараққиётига ва жамоат осойишталигига қарши қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, бу воқеалар аҳволни нормаллаштириш мақсадида навбатдаги куч-ғайратлар сарфланган, халқ хўжалигида тартиб ўрнатилганлигининг дастлабки натижалари кўзга кўринган, иқтисодий ислоҳот жорий этилаётган, гражданларнинг Биринчи Май намойишларида оммавий равишда қатнашганлиги эса миллий иноқликка эришиш йўлида силжишга эришилганидан далолат бериб турган бир пайтда содир бўлди.

Сиёсий бюро барча партия органларига ва ташкилотларга ҳозирги вазиятда ПБИП Марказий Комитетининг 7- ва 8-пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни активлик билан бажаришни тавсия этди.

Мажлисда ҳукуматнинг вужудга келган вазият хусусидаги фикрлари ва ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ёшлар ташкилотларининг раислари билан биргаликда ПБИП Марказий Комитетининг ёш авлод проблемаларига бағишлаб ўтказиладиган 9-пленумига тайёргарлик масалаларини муҳокама қилди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш программасини маъқуллади. Бу муносабатлар иқтисодий аҳволни яхшилаш, Польшанинг халқаро майдондаги мавқеини қайта тиклаш, унинг чегаралари хавфсизлиги ва дахлсизлиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда унинг янги формаларини вужудга келтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** Сальвадор ҳарбийлари яна бир жиноят қилдилар. Партизанлар «Венсеремос» радиостанциясининг хабар қилишича, Сальвадор каллакесарлари Усулутан ва Сан-Висенте департаментларидаги беш қишлоқда 52 кишини вахшийларча ўлдирганлар. Қонли ўч олиш қурбонлари орасида кексалар, хотин-қизлар ва болалар бор.

◆ **ТОКИО.** Окинава префектураси авиакомпаниялари-нинг 57 касаба союз ташкилоти Ивоторидзима оролида Американинг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари самолётларни парвозини кузатиб турадиган янги станция қуриш планига қарши кескин норозилик билдирди. 32 минг кишини бирлаштирувчи касаба союзларнинг норозилик баёнотида Окинава осмони осойишта бўлиши кераклиги таъкидланади.

◆ **ТЕҲРОН.** Эрон мажлиси (парламенти) кўп ойлик мунозаралардан кейин ташқи савдони национализация қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Қонунда миллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳам кўзда тутилади.

(ТАСС).

АНГЛИЯ-АРГЕНТИНА МОЖАРОСИ

Рейган маъмурияти мустамлакачилик сиёсатини ўтказишда, Фолкленд (Мальвин) оролларига сабабли чиққан можарони қўпол куч ёрдамида ҳал этиш йўлидаги уринишларда Тэтчер ҳукуматининг тобора актив ҳомийси сифатида иш кўрмоқда. Америкадаги Си-би-эс телекомпаниясининг хабар қилишича, Қўшма Штатлар самолётларга енилги қуйилган замонавий «КС-135» самолётларини Англияга бериб қўйишга қарор қилди.

Ана шундай мадад олиб турган Англиянинг консерватив ҳукумати ҳамон ҳарбий кучга зўр бермоқда. Буэнос-Айресдан бир томонлама ён беришни талаб қилмоқда. «Англия кабинетининг бошлиғи, — деб ёзади Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси, — Фолкленд танглигини Аргентинага оролларни ўз территорияси деб ҳисоблаш ёки оролларнинг устидан Аргентина суверенитети тез орада эътироф этилишини талаб қилиш имконини берадиган тарзда ҳар қандай бартараф этишни қўллаб-қувватламайди, деб очиқ-равшан айтди».

Лондондагилар, деб уқтиради газета, проблеманинг БМТ ёрдамида тез ҳал этилишига ишончлик ишонмаяптилар. Аксинча, Англия пойтахтида Фолкленд (Мальвин) оролларига яқин кунларда Британия десанти туширилишини кутмоқ керак, деган фикр кенг тарқалди. Бундай қадам бутун дунёда можарони янада қучайтириш деб ҳисобланишига қарамай, барибир шундай қилинаверади, деб таъкидлайди газета.

Аргентина ҳукумати Англиянинг агрессиясини даф қилиш учун зарур чораларни кўриш билан бирга тангликни тинч бартараф этиш йўлларини қидириш мақсадида дипломатия соҳасидаги куч-ғайратларини давом эттирмоқда. (ТАСС).

ҲАРБИЙ КУЧ НАМОЙИШИ БАРБОД БЎЛДИ

БОНН. Ғарбий Германиядаги тинчлик тарафдорлари Англиянинг ГФРда жойлаштирилган «Рейн армияси»нинг ўз ҳарбий кучини намойиш қилишига йўл бермадилар. Маълум бўлишича, шу армиянинг кўмондонлиги шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг Менхен-Гладбах ёнидаги Фираен шаҳри кўчаларидаги ва майдонларида ўз шахсий состави ва ҳарбий техникасининг «кўриги»ни ўтказишга қарор қилган эди.

Урушга ва ядрога қарши ҳаракат маҳаллий группалари, Германия Коммунистик партияси, шунингдек бир қанча диний ташкилотлар Англиядан ҳарбий васвасани ГФРга кўчириш хавфи кучайишига қарши чиқдилар.

Улар биргаликда эълон қилган баёнотда Фирзенда Британия қўшинларининг «ҳарбий паради»ни ўтказишга йўл қўймасликни қатъиян талаб қилдилар. Англия-Аргентина билан уруш ҳолатида бўлган бир вақтда, деб таъкидлашди баёнот авторлари, қандай қилиб Англиянинг тиш-тирноғигача қуролланган солдатлари бизнинг шаҳримизда юришига йўл қўйиш мумкин.

Жамоатчиликнинг норозилиги устунлик қилди, «кўрик» қолдирилди. (ТАСС).

ИСРОИЛ ҲУЖУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

БАЙРУТ. Бу ерда олинаётган маълумотларга кўра, Исроил Ливан чегарасига қўшин тўпламоқда. Ливан республикаси президенти И. Саркис айтдики, Исроил Ливанга ҳужум қилишга тайёргарлик кўриб, резервдагиларнинг 15 процентини армия сафига чақирди ва Ливан чегарасида бир неча дивизия тўплади.

Мудофаа министри Шарон ва бош штаб бошлиғи генерал Эйтан Исроил-Ливан чегара районига бориб келдилар. Исроилда чиқадиган «Давар» газетасининг хабар беришича, Шарон ва Эйтан қўшин Ливанга қарши кенг миқёсда уруш ҳаракатларини бошлашга тарафдор бўлиб чиқдилар. Газета Ливан билан ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги шартнома бундан кейин амал қилмайди, деб улар айтган гапни келтиради.

(ТАСС).

● Америка Қўшма Штатлари маъмурияти инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида кўп гапиради. Айни пайтда у ҳозирги Сальвадордаги қонли ҳунтани қўллаб-қувватламоқда. ГДРда чиқадиган «Хорицонт» ҳафталигида эълон қилинган бу карикатура «Вашингтоннинг Сальвадорда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга қўшаётган «ҳиссаси» деб номланган.

ТАСС фотохроникаси.

● ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҚЎРҒОНЧАЛИК ЗЎРАВОН»

Газетанинг 17 апрель сонида босилган мақолада Ғалаба район матлубот жамиятига қарашли «Қўрғонча» поселкасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлиги, савдо тармоқларига ўрнашиб олган айрим нопок сотувчилар харидорлар ҳақига ҳиёнат қилишаётгани, область Давлат савдо инспекцияси ходимлари эса масалани жойида ҳал этиш, қишлоқ матлубот жамияти фаолиятини текшириш мақсадида бу ерга келишганда унинг раиси Ж. Отабоев уларга қўпол муомалада бўлиб, ноғўғри ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйгани таъкид қилинган эди.

Мақола юзасидан яқинда Ғалаба район партия комитети, область матлубот жамиятлари союзи правленнеси ҳамда район матлубот жамиятидан жавоб хатлари олинди. Ана шу жавобларда таъкидланишича мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган. Жумладан, ишни ўзи бўлаётганлиги ташлаб қўйганлиги, сотувчилар иш устидан тегишли назорат ўрнатмаганлиги, бунинг натижасида совет савдо қоидаларининг бузилишига йўл қўйганлиги учун 34-магазин мудири Т. Руставлетованинг иши ўртоқлик судига ҳавола қилинган.

Қўрғонча қишлоқ матлубот жамияти раиси Ж. Отабоевга Давлат савдо инспекцияси ходимларига нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги, ўзига қарашли савдо тармоқларида йўл қўйилган жиддий нуқсон ва камчиликлар учун қаттиқ виговор эълон қилинган.

Нарх-наво масаласида чалкашликка йўл қўйгани учун матлубот жамияти катта бухгалтери С. Биналиев ҳамда товаршунос М. Исоевларга виговор эълон қилинди. Шунингдек, магазин мудирлари А. Пак, С. Икромов, А. Қурбонов, сотувчи М. Цой ва бошқалар ҳам тегишли маъмурий жазо олдилар.

«ИШ ЎРНИГА ҚУРУҚ ВАЪДА»

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози тракторчиси Ж. Абдураҳмоновнинг Оққўрғон районидаги ремонт-қурилиш хизмати идорасининг Ғалаба районидаги филиали уй қуриб бериш ҳақидаги шартномани бажармаётганлиги, қурилишни пайсалга солишаётганлиги ҳақидаги шикоят хати газетанинг 3 апрель сонида босилган эди.

Яқинда ана шу таниқдий хабар юзасидан Ғалаба район партия комитети умумий бўлими мудири Ш. Абдукаримов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланганлиги қайд қилинади.

Оққўрғон район ремонт-қурилиш хизмати идорасининг раҳбарлари мазкур уй қурилишини шу йилнинг 1 сентябрига тугаллаш мажбуриятини олишган.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-82

ҲИНДИСТОН КИНО САНЪАТИ УСТАЛАРИ

КАПУРЛАР СУЛОЛАСИ

ТАЛАНТЛИ театр ва кино санъаткори Притхвираж Капурни фақат Ҳиндистондагина эмас, кўпгина чет элларда ҳам яхши билишади. Чунки Притхвираж Капур ўзининг ранг-баранг ва бой репертуари билан кино мухлисларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Санъаткорнинг ижоди Бомбейдаги театр студиясидан бошланган эди. Бу студияда қўйиладиган спектакларга у режиссёрлик қилди ва бош ролларни ижро этиб халққа танила борди.

Притхвираж Капурнинг фарзандлари — Шамми, Раж ва Шашилар ҳам санъат муҳитида тарбияланиб, етук кино санъаткорлари бўлиб етишдилар. Ҳинд кино санъати тарихида улар Капурлар сулоласига асос солишди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Притхвираж Капурни ҳинд кино санъатининг «отаси» деб бежиз айтишмайди. П. Капур жуда кўпгина фильмларда иштирок этиб, томошабинларнинг беқиёс олқишига сазовор бўлган кино юлдузларидан ҳисобланади. Унинг бунчалик муваффақиятларга эришиши, албатта, юксак таланти ва ҳар бир ролни табиий ижро эта олиш маҳорати билан белгиланади. «Олов», «Дайди» ва бошқа ҳинд фильмларида П. Капурнинг ижро этган роллари томошабинлар хотирасида узоқ сақланиб қолди. Чунки, П. Капур қаҳрамонлари бир ҳил қолипда бўлмай, улар ўз олами, дунёқараши ва қиёфасига эгадир

Совет Иттифоқида ҳам, Притхвираж Капурнинг санъатига ҳурмат билан қарашади. Айниқса, санъаткор, совет томошабинларига совет-ҳинд киночилари ҳамкорликда яратган «Уч денгиз оша саёҳат» бадиий фильми орқали яхши танилди. Бу фильмда у вазир ролини ижро этиб, унинг муваффақиятли чиқишига ўз ҳиссасини қўшди. Притхвираж Капур фақат актёрлик маҳорати билан танилибгина қолмай, ўзига хос кино мактабини ҳам ярата олган санъаткорлардан биридир. Ҳозирги кунда Ҳиндистон киносининг юлдузлари бўлмиш Шамми, Раж, Шаши Капурлар худди шу мактабдан санъатга кириб келишди

Капурлар сулоласи ҳинд томошабинлари орасида алоҳида эътиборга сазовордир. П. Капурнинг тўнғич ўғли — Шамми Капур ўз ижодини актёр сифатида бошлади. 1951—65 йиллар давомида у ҳар хил эпизодик ва бош ролларни ўйнаб, ўзига хос қаҳрамонлар образини яратди. Чунки Шамми Капурнинг ёшлигидан санъат муҳитида тарбияланиши унинг актёрлик санъатига катта замин яратиб берган эди. Тезда Шамми томошабинларнинг севимли актёрига айланди.

Капурлар авлодининг яна бир вакили — Раж Капурни дунёда энг кўп мухлисга эга санъаткор десак хато қилмаган бўламиз. Унинг (Олов» (1946), «Дайди» (1951), «Жаноб 420» (1955), «Тун оғушида» (1957), «Сангам» (1963), «Менинг исмим —масхарабоз» (1970) каби бадиий фильмлари томошабинларга катта қувонч бағишлади. Айниқса, «Дайди» фильми Раж Капур учун ниҳоятда қадрлидир, чунки бу фильм унга ниҳоятда катта шуҳрат келтирди. Бу асар 1953 йилда ўтказилган VI халқаро Канн кинофестивалида асосий совринлардан бирига сазовор бўлди. Фильмда Раж Капур постановкачи-режиссёр вазифасини бажариш билан бир қаторда актёрлик маҳорати билан ҳам томошабинлар меҳр-муҳаббатини қозонди.

Раж Капур — энг сермаҳсул ижодкорлардан биридир. Унинг асарларининг асосий мотиви кўпгина ижтимоий зиддиятлари социологик ва психологик тадқиқ қилишдан иборатдир.

Раж Капур фильмларида ҳинд халқининг миллий куй, кўшиқ ва рақсларига кенг ўрин берилиши фильмлар шуҳратининг ортишида катта роль ўйнамоқда. «Музика фильмни тўғри тушунишга ёрдам беради»,— дейди Раж Капур.

Раж Капурнинг «Бобби», «Муҳаббат гўзаллиги», «Қўшиқ кетидан қўшиқ» фильмлари Тошкент кинофестивалида кўрсатилиб, юқори баҳоланди. Ўзбек халқи ҳам Раж Капур ишлаган фильмларни ҳамиша ишқ кутиб олади. Яқинда экранларга йўлланма олган «Абдулла» номли бадиий фильмда бош ролни Раж Капур ижро этган. Фильм тарихий — биографик воқеаларни қамраб олган бўлиб, унда ҳинду ва мусулмонлар ўртасидаги диний зиддиятлар очиб ташланади. Фильмда Раж Капур билан бирга ҳинд кино юлдузлари — Зинат Омон, Фарида Жамал, Хеллен, Сандит Камарлар ҳам суратга тушишган. «Абдулла» фильмида революционер ролини зўр маҳорат билан ижро этганлиги учун Раж Капур яқинда Жаваҳарлал Неру мукофотига сазовор бўлди.

Капурлар оиласининг энг кенжаси — Шаши Капурни Ҳиндистонда севмаган кино томошабини кам бўлса керак. Чунки Шаши жуда ёшлигиданоқ картиналарда ўз тенгдошларининг образини яратиб, кино мухлисларининг кўз ўнгида ўсиб-улғайди. Шаши Капур 15 йиллик ижодида 75 дан ортиқ образ яратди. 1981 йил Москвада ўтказилган XII халқаро кинофестивалда намойиш этилган, режиссёр Шьям Бенегалнинг «Бизнинг давр» бадиий фильмида Шаши Капур бош қаҳрамон — революционер образини тўлақонли яратганлиги билан талантли актёр эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

Бомбейда нашр этиладиган «Фильм мирор» журналининг қайд этишича, Риши Капур — ҳинд кино юлдузларининг ўнтасидан биридир. Риши Капур — Раж Капурнинг ўғли бўлиб, у Капурлар сулоласининг учинчи авлодига мансуб. Риши совет томошабинларига «Бобби» ва IV халқаро Тошкент кинофестивалида намойиш этилган «Касоскор» ва «Муҳаббат— бу ҳаётдир» фильмлари орқали таниш.

Раж Капурнинг иккинчи ўғли Рандхир Капурдир. «Касоскор қонуни» фильмининг режиссёри у. Бу фильмдаги барча ролларни Капурларнинг ўзлари ижро этишган. Рандхирнинг рафиқаси Бабита Шивдеса, бобоси Притхвираж Капур, Рандхир ва Раж Капурларнинг суратга тушиши фильмнинг муваффақиятли чиқишини таъминлади. Бундан ташқари, Рандхир Капурнинг «Ҳамкорликдаги саёҳат», «Чапдаст қўл» каби фильмларда қатнашиши уни кенг томошабинлар оммасига таништирди.

Капурлар сулоласининг яна бир гуруҳ вакиллари— Шаши Капурнинг фарзандларидир. Унинг ўғиллари — Камал Капур, Кори Капурлар ҳам актёр сифатида анча танилиб қолишди. Камал Капурни совет томошабиларга режиссёр Ромеш Сиппи суратга олган «Зита ва Гита» фильмида кўришган...

Ҳинд кино санъатининг кўзга кўринган намояндалари Капурлар сулоласининг ижодий фаолияти билан таниш эканмиз, уларнинг нақадар сермаҳсул санъаткорлар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Тошкентда ўтказиладиган VII халқаро кино фестивалида Капурлар ҳам ўзларининг янги фильмлари билан қатнашадилар.

Ю. ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон кино санъати музейининг илмий ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН» МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

● Уч қитъа кино санъаткорлари анжуманининг бош резиденцияси — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси комплекси кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини янги қиёфада кутиб олади. Тўққиз юздан ортиқ меҳмонга мўлжалланган хоналар ремонт қилиб бўлинди. Бассейн, ресторанлар, ёзги кафелар, савдо тармоқлари Тошкент меҳмонларига хизмат кўрсатади.

Меҳмонхонанинг хизмат кўрсатувчи ходимлари ҳам кино арбобларини кутиб олишга ҳозирланмоқдалар. Ҳозир кўпгина ходимлар чет тилларни ўрганмоқдалар.

Анжуман қатнашчилари ва меҳмонларининг ҳар бири халқаро телефон алоқасидан фойдаланиши мумкин, журналистларнинг ишлаши учун телетайплар ўрнатилди.

(ЎзТАГ).

Редактор Н. НАСИМОВ.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

УМР ҚАДРИ

(«СОНЕТЛАР СИЛСИЛАСИ»ДАН)

Туғилмоқ тенг эрур кун чиқишига,
Бу инсон умрининг тонг отишидир,
Мурғак жон кўзини илк очишидир,
Ҳаёт ҳайрон боқар дунё ишига.

Дунё парво қилмас ўз қилмишига:
Ҳаётдан кўз юммоқ кун ботишидир,
Дунёнинг заррадек нўқотишидир,
Бу фожеъ арзимас ғам чекишига.

Кун чиқар, кун ботар—кори дунё бу.
Бу ҳолат мангуга этади давом.
Гоҳ шодлик, гоҳ ғолиб чиқади қайғу.

Кун ботса, тонг яна ул берар салом,
Лек башар қуёши ботса, қайтиб у
Чиқмайди, умрга чўкар мангу шом.

. . .

Умрни қадрлаб яшамоқ керак,
Жавҳарни тариқдек соғмангиз бекор.
Инлга тенг ҳаҳаси ўтсин мазмундор,
Бўлмасин гуручдан терилган қурмак.

Яшамоқ ишқида ёнсин ҳар юрак,
Ғаниматі фурсатни бой берманг зинҳор.
Муяссар бўлмагай туғилмоқ такрор,
Бир берган умрни қилмангиз эрмак.

Ешликда жиловин олмасдан қўлга,
Кексайиб қолганда чекманг надомат.
Умр оти қайтмас босилган йўлга.

Умрда ўлчовли ҳар кун, ҳар соат.
Содиқ фарзанд бўлиб ижодкор элга,
Яшамоқ ўзидир буюк саодат!

. . .

Тез оқар дарёдай кунлар ўтмоқда,
Умримиз сузмоқда унда қайиқдай.
Е чўққида турган ҳуркак қийиқдай
Лип этиб, чақмоқли тунлар ўтмоқда.

Ҳар бир кун биздан шоҳ асар кутмоқда,
Лаҳзалар—камондан отилган ўқдай.
Яшаш соатларин ҳисоби йўқдай,
Ҳаёт неъматларин бизга тутмоқда.

Баридан тутдирмас ғаниматі онлар,
Бургутлар осмонда ўлгандай, афсус,
Қолмоқда, қоғозга тушмай достонлар.

Киприги тушганин билмагандай кўз,
Бақт ўтар, ўкинчдан ёнмоқда жонлар,
Оқланмай қолмоқда эл берган нон-туз!

. . .

Кўлларим—бу менинг қанотларим,
То тирикман шай эрур парвозга.
Дор устида лангардир дарбозга,
Кўлларим—бу менинг саботларим.

Кўлларим—бу қалб муножотларим,
Қадам билан роз айтар қоғозга.
Бармоқлари чертади шўх созга,
Кўлларим—бу субҳидам баётларим.

Кўлларим—бу менинг ҳаётларим,
Бир дарёдан таралган ирмоқлар.
Толеи ҳур қондош музофотларим.

Кўлларим—бу меҳнаткаш бармоқлар,
Она-ерга фарзандлик нажотларим,
Ва унда дон бўлиб ўсган бошоқлар!

. . .

Хотирамиз мангу олови—
Қоғозларда ёнган шеърлат.
Қоғозларда қолган шеърлат—
Хотирамиз мангу олови.

Хотирамиз мангу олови—
Шеърлатдек қутлуғ ҳуррият.
Ҳурриятга туғ қолибдит—
Хотирамиз мангу олови.

Наслимизга етар барқ бўлиб,
Хотирамиз мангу олови.
Кундай ёнар нурга ғарқ бўлиб.

Хотирамиз мангу олови,
Қизаради озод Шарқ бўлиб,
Хотирамиз мангу олови!

. . .

Эй, ҳаёт, ўтинчим, элдан айирма,
Ғурбат кечасида тонгин кутмайин,
Яккалик даштида сувсиз ўтмайин.
Куш бўлсам, қанотим зинҳор қайирма.

Дуч келган кимсага мени қойитма,
Етларга тиз чўкиб шароб тутмайин.
Пишиб етилганда балки тутдайин,
Ўтмас қайчи билан кестирма.

Оғзининг таноби йўқ кимсаларга
Номимни сақичдек чайнатма, ҳаёт.
Қисматим солмагин минг хил ҳунарга.

Ғийбат қозонида қайнатма, ҳаёт,
Сотмадим имоним мен сийму зарга,
Нажотсиз тўтидек сайратма, ҳаёт!

. . .

Умрда ҳар нафас азиз, бебаҳо,
Мангулик тожига даъвогар онлар.
Томирда яшиндек югурар қонлар,
Бағримиз гўёки чақмоқли само.

Қалбимиз—қуёшдек ҳаётбахш, танҳо,
Қуёшдек унга ёт осуда онлар.
Баҳра топар қалбдан ҳужайра—жонлар,
Қуёшдан кулгандек ер бирла само.

Шукуфта айласа ҳаёт зилоли
Умр гулшанига қўнмас хазонлар,
Масъум балқиб турғай кўкда ҳилоли.

Инжу сочиб кезгай абри найсонлар,
Эсмасин гулшанда ғусса шамоли,
Яшаш саодатин англанг, инсонлар.

ТИРНОҚ ОРАСИДАН КИР ҚИДИРИБ...

ЎН икки йилдан буён заправкачи бўлиб ишлаб келаётган Наби Қаюмов билан 2-автозаправка станцияси мудири Ғаффор Сатторовларнинг кейинги пайтда гаплари ковушмай қолди.

Бир куни станция территориясини текислаш учун бир машина асфальт келтирилди. Наби ака операторлик пультида эди, уни қўзғатмай ўзлари ҳашар қилишди, ёшлар «қўяверинг, сиз учун ҳам биз ишлаймиз» дейишди.

Эртасига эрталаб смена топширгандан сўнг Ғ. Сатторов «Наби ака, сиз асфальтга қарашмадингиз, идорага бориб Тошпўлатовга (автозаправка станциялари бўлими бошлиғи) учранг» деди.

Наби Қаюмов «асфальтга қарашмагани учун» жазоланди: бир ой шаҳар нефть базасида маҳсулотни қабул қилувчи бўлиб ишлади. У сурункасига 12 соатдан меҳнат қилди. Мазкур «жазо» мўддати тугагач ўз иш жойига борди. Ғ. Сатторов «Одам кам, келиб ишлаб туринг, кейин дам олларсиз» деди. Наби ака бу гапни ҳам қайтармади. Бироқ, у ортиқча ишлагани эвазига бир кун ҳам дам олмади, бунга имконият беришмади.

Кейин яна бир куни Н. Қаюмов ишлаган бригада смена топшираётганида Ғ. Сатторов 500 литр АИ-93 бензини кам эканини айтди. Лекин Наби ака бой келмади. — «Йўқолган» бензинни топди. У ўзининг ҳақлигини исботлади. Станция мудири билан заправкачи ўртасида бундай воқеа илгари ҳам бўлган эди...

Ғ. Сатторов отпускага кетиб, ўрнига С. Эшонов мудир бўлиб қолди. Яна «англашилмовчилик» рўй берди — кеча ишга келишингиз керак эди, прогул қилдингиз, деб уни Ф. Феодоридига учрашини айтишди.

Наби ака шаҳар нефть базаси директорининг ўринбосари Ф. Феодориди кабинетига кириб бориш билан у гапни қисқа қилди:

— Сен заправкачи бўлиб ишламайсан, бошқа енгилроқ иш берамиз.

Наби ака чарчаган эди. Юқорида баён қилинган ва бошқа шунга ўхшаш майда-чуйда; лекин одамнинг руҳий дунёсини зир қақшатадиган воқеалардан кейин у ҳам маънавий, ҳам жисмоний чарчаган эди. Заправкачи вазифаси енгил эмас, ҳар куни юзлаб одам билан муомала қилиш керак. Бензин тақчил бўлганда қанча асабийлашиш...

У бир зум шуларни ўйлади-ю, жавоб берди:

— Майли, бўлмаса мени электр слесарликка ўтказинг.

Директор ўринбосари бир варақ оқ қоғоз берди.

— Ёз аризани, енгилроқ ишга ўтказишингларни илтимос қиламан, деб ёз.

Наби ака жуда саводли бўлмаса-да, жуда гўл ҳам эмасди, ишонқирамай сўради:

— Электр слесарликка деб ёзсамчи?

— Йўқ, енгил ишга деб ёзавер, қондаси шунақа бўлади, уёгини ўзим тўғрилайман.

Наби ака ишонди, шундай деб ёзди. У ўзи ишлаган коллективдан, ўрганиб қолган жойидан кетгиси келмасди. Агар электр слесарь бўлса ўша коллективда ишлайверар эди. Қолаверса, бу вазифа кексайиб қолган одам учун унча оғир ҳам эмас. Шунинг учун аризани осонгина ёзди.

Бироқ... уни алдашди.

ОҚИБАТ

— Қоровуллик, юкчилик каби ишлар бор, марҳамат, — деди Фёдор Николаевич.

— Нега, ахир менга электр слесарликни ваъда қилиб ариза ёздирган эдингиз-ку?

— Аризани «енгил иш сўраб» ўз қўлинг билан ёзгансан, қаерга шикоят қилсанг қилавер, — деди директор ўринбосари хотиржам, — лекин заправка станциясида ишламайсан. Район милицияси бошлиғи менга «агар шу одамни ишга қўйсанг, нефтебазанги ёптириб қўяман» деб айтди...

Қизиқ, инсон тақдири ўйинчоқ эмас-ку, кимгадир ёқмагани учун телефон орқали ишдан бўшатиб юборилса?!

Н. Қаюмов ўз ичида қадрига қуйиб, «ўз хоҳишига кўра» ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. Ҳа, ўз қўли билан ёзди. Кейин эса... алам қилди — редакцияга ёзди.

Юқоридаги воқеалардан кўриниб турибдики, унинг «ўз хоҳишига кўра» ишдан кетиши Ғ. Сатторов иккиси ўртасидаги «баъзи келишмовчиликлар»га бориб тақалянти...

Фёдор Николаевич Наби акани фақат муомаласи қўполликда айблади. Кейин, гўё бу гапни исботлаш учун унинг шикоятини автозаправка станцияси коллективи ўртасида муҳокама қилишни таклиф этди.

Бироқ, муҳокама мажлиси негадир нефть базаси клубига кўчирилибди. Ўтгиз-қирқ чогли одам — бошқа автозаправка станциялари бошлиқлари, нефть базаси ходимлари фақат шу масалани муҳокама қилиш учун таклиф этилибди. Тушунолмадик. Н. Қаюмовнинг шикоятига буларнинг нима алоқаси бор экан? Ваҳоланки, муҳокамага дахлдор олти кишининг учтаси иштирок этди, холос.

Мажлис муҳокамаси икки соатга яқин давом этди.

Ғ. Сатторов 500 литр АИ-93 бензини ҳақидаги «англашилмовчилик» ҳақиқатан бўлганини тан олди. Наби ака сўзга чиқиб, Феодориди томонидан уят сўзлар билан ҳақоратланганлигини айтди. Автозаправка станциялари бўйича инженер Ж. Мирзаев сўзга чиқиб, асосий масала бу ёқда қолиб Ф. Феодориди сўкиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, уни мақтай кетди. Бошлиқ шаънига бу мадҳияни Ш. Тошпўлатов давом эттирди.

Шундагина биз Федор Николаевич бунча одамни нима мақсадда йиққанини тушунгандек бўлдик...

Наби ака редакцияга шикоят ёзмасдан анча олдин база маҳаллий касаба союз комитети номига шикоят билан мурожаат қилган эди. Федор Николаевич бу ариза комитетда муҳокама қилиниб, Н. Қаюмовни вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилганини айтди. Бироқ, бу қарорни ҳам, аризани ҳам топишолмади...

Федор Николаевич муҳокамага якун ясади ва сўзининг охирида шундай деди:

— Мен бу масалага қайтишни бошқа истамайман, тамом. Мен шу ерда эканман, Қаюмов автозаправка станциясида ишламайди!

Ана, бошлиқ ўринбосарининг айни муддаоси худди шу эди.

Бир қараганда, Н. Қаюмов енгил иш сўраб аризани ўз қўли билан ёзган, лекин у аризани Ф. Феодориди айтганидек ёзганини исботлай олмасди, гувоҳи йўқ... Фақат, ўртада ростгўйлик, виждон шоҳид холос.

Бироқ Федор Николаевичнинг мажлисдаги меъёрдан ортиқча манманлик билан айтган сўнгги сўзи— «Мен шу ерда эканман, Қаюмов автозаправкада ишламайди» дейиши Н. Қаюмовнинг у ҳақда ёлғон ёзмаганлигини тасдиқлаб турарди. Мана шу сўнгги сўз узоқ вақт ҳаёлимиздан кетмай, бу воқеани ёзишга ундади...

Шунча йил ҳалол ишлаб, бошлиқларнинг инжиқликлари, асоссиз қўйган «айб»лари туфайли ўз ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этилган, қадр-қиммати камситилган ишчига кўрсатилган «меҳр— оқибат»га Ғ. Сатторов ва Ф. Феодоридининг бошлиқлари, раҳбар ташкилотлар ўз муносабатларини билдириб қўйишар, деган ҳолис ниятдамиз.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ФРУНЗЕ КОНТРОЛЬ-ҲИСОБЛАШ АСБОБЛАРИ ЗАВОДИ

ЯНГИ АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

«СУРКО» (комплекс таомлар реализациясини ҳисобга олиш системаси) комплекс механизациялаш учун мўлжалланган.

Ошхонанинг хўрандаларга қанчалик хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ равишда системанинг турли вариантлари тайёрлаб берилади.



«СУРКО» қуйидаги блоклардан ташкил топган:

— ҳисоб-китоб блоки (БР) комплекс таомлар қийматига ҳақ олади ва ҳақ тўла маганлик ёки ҳақни тўла тўламаган тақдирда блок хўрандани таом бериш хонасига ўтиш йўлини беркитиб қўяди;

— чиқиш турникети (ТВ) хўрандаларни таом тарқатиш хонасидан чиқишга йўл бериш учун мўлжалланган; таом тарқатиш хонасига ТВ орқали киришга уринилган тақдирда у хўранда йўлини тўсиб қўяди;

— заказлар қабул қилиш пульти (ППЗ) ошхонанинг овқатланиш залига ўрнатилади. Навбатдаги иш куни учун олдиндан заказ қилинган овқатларни ҳисобга олади;

— ҳисоб-китоб ва контроль блоки (БУК) ошхона мудирининг кабинетига ўрнатилади ва визуал счетчиклар билан жиҳозланади. Бу счётчиклар ҳақ тўланган ва олдиндан заказ қилинган таомлар миқдорини кўрсатиб туради.

«СУРКО» ускуналаридан фойдаланиш катта қулайликлар туғдиради:

— хизмат кўрсатиш маданиятини оширади;

— таомлар учун ҳақ олиш вақтини қисқартиради ва айни бир вақтда ошхонада кўп сонли хўрандаларнинг овқатланишига имкон беради;

— овқат учун ҳақ олишдаги тасодифий ёки атайин қилинган ҳатоликларга чек қўяди;

— кассирлар штатини қисқартириш ҳисобига маблағларни тежашга имкон беради.

«СУРКО» системаси, чунончи, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи «Эффект» линияси бўлган комплексда ҳам жуда фойдалидир.

«СУРКО» қурилмаларини харид этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тайёрловчи заводга қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинсин: 720614, Фрунзе шаҳри, Садигалиев кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ КОНТРОЛЬ-ҲИСОБЛАШ АСБОБЛАРИ ЗАВОДИ.
«КИРГИЗТОРГРЕКЛАМА».



ТАБИАТ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ғазалкентдаги «Бўстон» кинотеатрида «Табиат болалар нигоҳида» кўрик-конкурси ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг 150 дан ортиқ турли ишлари жюри ҳукмига ҳавола этилди. Болалар табиат лавҳаларини акс эттиришган. Конкурс голиблари табиатни муҳофаза қилиш район жамиятининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

● Мюнхенда ўтаётган бокслиларнинг жаҳон чемпионатида республикамиз вакили Владимир Шин мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. У ярим финалга йўлланма олган олти совет спортчисининг биридир. Суратда В. Шин.

Л. Гусеинов фотоси.

Спорт

ТОШКЕНТЛИК ПОЙГАЧИ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Тинчлик велопойгасининг 161 километрлик навбатдаги тўртинчи босқичида маррага ГДР спортчиси Олаф Людвиг биринчи бўлиб келди. Тошкентлик Шоҳид Загриддинов бу сафар тўртинчи бўлган бўлсада, шахсий ҳисобда ҳамон иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Тартулик Рихо Сузи пойгада пешқадамлик қилмоқда.

Бутуниттифоқ ёшларининг учинчи спорт ўйинлари программаси асосида ўтказилаётган велопойга қатнашчилари бугун бахсга якун ясашади. Тўққиз босқичдан сўнг Украина командаси 28 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистон вакиллари голибдан ярим очко фарқ билан иккинчи ўринда боришмоқда.

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон XIX спартакиадаси программаси асосидаги мусобақалар кун сайин қизимоқда. Олмалиқда кўл тўпи бўйича эркаклар бахсида Тошкент шаҳар спортчилари голиб келишди. ГТО кўпкураши беллашувларида ҳам пойтахт вакилларига тенг рақиб топилмади.

Кеча камондан отиш, енгил атлетика ва мерганлик турларига старт берилди. Бугун Самарқандда эшкак эшувчилар, Пискентда полвонлар, Олмалиқда кўл тўпи бўйича аёллар, Ангренда классик курашчилар мусобақалари бошланади. Ниҳоясига етган 24 турдан сўнг 3043 очко тўплаган Тошкент шаҳар командаси олдинда бормоқда. Пойтахт области вакилларида 2228 очко, учинчи ўринни эгаллаб турган фарғоналиклар ҳисобида 1922 очко бор.

ШАХМАТЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Кеча эркаклар ўртасида республика 47 ва аёллар бахсида 40 чемпионат ўйинларига якун ясалди. Охирги тур олдидан аёллар бахсида 10 очко тўплаган тошкентлик Ларися Пинчук биринчи ўринда бормоқда. Эркаклар чемпионатида эса пешқадамларнинг аҳволи қуйидагича: В. Логинов — 10 очко, Г. Борисенко 9,5 очко, С. Загребельний 9 очко.

Телевидение

15 МАЙ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.10 — Ҳужжатли фильмлар. 10.40 — Поэзия. 11.20 — Спортлото. 11.30 — Концерт. 12.15 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.45 — Москвичка. 14.15 — Сиз бунга қодирсиз. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Болалар учун фильм. 15.50 — Ҳайвонот оламида. 16.50 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.20 — Концерт. 18.05 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Москва юлдузлари» санъати фестивали. 21.30 — Время. 22.05 — Бокс. Жаҳон чемпионати. 23.20 — Чет эл эстрадасининг куй ва оҳанглари. 00.10 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.20 — Қора қоплон. Бадиий фильм. 10.45 — Тонгги почта. 11.15 — Телевизион викторина. 12.20 — Даврани кенг олинг. 14.10 — Ранг-баранг ўтлоқ. 14.30 — Шоир А. Люкинга бағишланган кўрсатув. 14.50 — Концерт. 15.15 — Фильм-спектакль. 16.35 — Музикали киоск. 17.05 — Концерт. 19.05 — Кучлилар, довюраклар, ғалиблар. 19.50 — Халқаро обзор. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Дзю-до. Европа чемпионати. 21.15 — 21-симфония. 21.30 — Время. 22.05 — Ивановлар оиласи, Бадиий фильм. 23.45 — «Тинчлик» велопойгаси.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Спектакларидан парчалар. 11.45 — Спорт программаси. 12.45 — Инсон болалигидан бошланади. 13.00 — Уч карра тенгширув. Бадиий фильм. 14.45 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Юлдузча. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивалига.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 32 5748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар: фельетонлар—334048; 325354, партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 04803. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1605.